

## **АБДУВАЛИ ҚУТБИДДИН ШЕЪРИЯТИ: УСЛУБ, АНЪАНА, НОВАТОРЛИК**

**Фируза Нормуратовна БЎРИЕВА**

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон – Финляндия педагогика институти

Самарқанд, Ўзбекистон

[feruzaburiyeva79@mail.ru](mailto:feruzaburiyeva79@mail.ru)

### **Аннотация**

Ушбу мақолада ўзининг суфиёна сажиясини шеърий сатрлар қатига жо эта олган, инсон руҳияти тасвири учун ташбехларига борлиқ ва коинотдаги мавжудотларнинг тамсилларини сингдириб, тахайюл сарҳадларида кезинувчи лирик қаҳрамон яратган шоир Абдували Қутбиддиннинг ижодий услуби, асарлари поэтикасидаги анъана ва новаторлик илмий-назарий жиҳатдан таҳлил ва талқин этилган.

**Таянч сўзлар:** анъанавийлик, жанр-шакл ранг-баранглиги, новаторлик, тасаввуф, суфийлик, завқ, зикр, ҳол, суфиёна шеърият, татаббуъ, модернизм.

## **ПОЭЗИЯ АБДУВАЛИ КУТБИДДИНА: СТИЛЬ, ТРАДИЦИИ, НОВАТОРСТВО**

**Фируза Нормуратовна БУРИЕВА**

Доктор философии по (PhD) филологическим наукам

Узбекско-финский педагогический институт

Самарқанд, Узбекистан

[feruzaburiyeva79@mail.ru](mailto:feruzaburiyeva79@mail.ru)

### **Аннотация**

В данной статье рассматривается творческий стиль поэта Абдували Кутбиддина, который сумел передать свой суфийский стиль в пластах поэтических строк и создал лирического героя, блуждающего в границах воображения, впитывающего в себя образы бытия и существ вселенной в его аллюзии, изображение человеческой психики анализируется и интерпретируется с научной и теоретической точки зрения.

**Ключевые слова:** традиционализм, разнообразие жанровых форм, новаторство, мистика, суфизм, удовольствие, зикр, хал, суфийская поэзия, татаббу, модернизм.

Инсон тафаккури такомил эта борар экан, уни энг қизиқтирган, ўзига жалб этган жиҳатлардан бири ўзини, яъни инсонни тушуниш бўлиб қолаверади. Аслида тириклик оламида яратилган ҳамма нарса шу буюк хилқатга аталган ва улар қанчалик турфалангани, кўлами ортиб боргани сари инсоннинг эҳтиёжига етмаслиги билан хайратланарли. Танни кўя турайлик, хатто руҳнинг эҳтиёжи, юксалиши, покланиши учун ҳам анчайин маънавий

хазиналар керак бўлади. Чунончи, одамзотнинг сеҳрли кашфиёти бўлган адабиётга ҳам инсоннинг чексиз эҳтиёжи бор. Шунинг учун ҳам у тинимсиз ривожланди, янгиланди, сайқалланди. Бугунги кунда услублар, ижодкорлар, асарлар миллиардлаб нуфусга эга инсониятнинг ўзи янглиғ хилма-хилдир. Айрим ҳолларда улар бир-бирларидан жуда фарқланмаслиги, бир-бирига ўхшаб қолиши ёки такрорлаши ҳам мумкин. Масалан, XX аср бошида барча жабҳаларга, хусусан, адабиётга жаҳоннинг кўп янгиликлари кириб келаётган бир пайтда ижод қилган Чўлпон мумтоз адабиёт ҳақида “Алишер Навоидан Муқимийга қадар бўлган намояндаларни назарда тутиб, “Бир хил, бир хил, бир хил” деган ва “Кўнгил бошқа нарса – янгилик қидирадир”, дея дил изҳор қилган...” [7]. Мумтоз адабиётда анъанавийликнинг устун бўлганлиги рост. Лекин аср бошида шеърятда жанр-шакллар, вазн борасида кўплаб новаторликлар қилган юқорида санаб ўтилган ижодкорларимиз ҳам ўзлари кизиққонлик билан инкор этишган бўлсалар-да, улар асарларида анъанавийлик новаторликка қўшилиб, унга руҳ, ўзлик, жон озиқ бериб турганлигини кўришимиз мумкин. Чўлпоннинг энг гўзал шеърларидан бири бўлган “Кўнгил” шеърини эслайлик. Лирик қаҳрамоннинг мурожаати *кўнгил*га қаратилганининг ўзиёқ унинг мумтоз анъаналарнинг давоми ўлароқ юзага чиқариб турибди. Мумтоз адабиётда кўнгилнинг марказий тушунча, бош тасвир манбаи бўлганлиги барчамизга маълум. Шунингдек, шоирнинг бошқа шеърлари таҳлилига эътибор қаратсак ҳам, бундай мисоллардан кўплаб келтиришимиз мумкин. Айтмоқчи бўлганимиз, мумтоз адабиётда анъанавийликнинг, ҳозирги замон адабиётида новаторликнинг устун бўлганлиги, бирдан умуман воз кечилганлигини билдирмайди. XX ва XXI асрда ижод қилган ҳар қандай ижодкор асарларида анъанавийлик ва новаторликни қанчадир даражада бирдай намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу фикр биз қуйида ижоди ҳақида сўз юритмоқчи бўлганимиз 70-йиллар авлодига мансуб шоир Абдували Қутбиддин ижодига ҳам тўла мос келади.

Аввало, шоир индивидуал услуби, шеърларининг ўзига хослиги ҳақида гапириш лозим бўлса, уларни луғат бойлиги, оҳанги, сарлавҳалари, композицион тузилиши кабиларнинг ҳаммаси бирлашиб ниҳоятда сирли санъат намуналари эканлигини айтишимиз даркор. Шоирнинг шеърияти билан танишар эканмиз, баъзан унинг сўзлар орқали эмас, муסיқа, куй билан дардини ифода этаётганидек таассуротга эга бўламиз. Балки, шоир фикрини инжа сўзлар орқали пардалаб, чиндан ҳам, шундай ифода этмоқни, куйлашни мақсад қилган бўлиши мумкин. Унинг “Қорлар куйлаб кетди баҳор элида” шеъридаги ушбу жумлалар ҳам бизни шундай фикрга килишимиз тўғрилигига ишонтиради:

*“Ахир мусиқаман, мен ҳам мусиқа,  
Тўрт мўъжас сатрда мужассам оҳанг.  
Тўрт мўъжас сатрда маломат, садо,  
Тўрт мўъжас сатрда Жаннат, Жаҳаннам.*

Инсон табиати шундайки, у ўзига сирли туюлган нарсага интилаверади. Айниқса, у маънавий дунёга алоқадар тушунча бўлса, янада ўзига жалб қилади, жозибаси билан кишини ром этади, боғлаб қўяди. Жаҳон адабиётида ҳам бунга қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ўзининг сирли ижоди, мураккаб индивидуал услуби билан Ғарб модернистик адабиётининг “оталар”идан ҳисобланган [4;3] немис ёзувчиси Франс Кафка «Менда адабий қизиқишлар йўқ, мен ўзим адабиётдан иборатман», деган экан дўстларидан бирига [10]. Шоир эса, келтирилганидек, “*Ахир мусиқаман, мен ҳам мусиқа*” демокда. Бундан ўзларининг мураккаб индивидуал услуби билан муштаракликка эга бўлган бу икки ижодкорнинг ижод ҳақидаги тушунчалари ҳам ўхшаш бўлганлиги кўринади. Уларнинг асарлари ўз даври адабиётшунослигида юксак эътироф этилган бўлса-да, кўпинча тушунарсиз, мураккаб бўлганлиги қайд этиб келинган. Ҳатто немис матбуотида “kafkaesk” – “кафкача” сўзи “ғамгин”, “тушунарсиз”, “ғаройиб”, “чалкаш”, “маънисиз”, “мантиқсиз”, “тутуруқсиз”, “ҳаддан ташқари” маъноларида ишлатилиши айтилади [4;20.]. Биз шоир ижодини бежиз бирданига Кафка

ижоди билан қиёсламадик. Барча ижодкорларнинг ҳам асарларига эътибор берилса, уларнинг кимга эргашигани, қандай йўналишни ўз ижодига мос кўргани маълум бўлиб қолади. Масалан, шоир Хуршид Давроннинг Ойбек ҳақидаги кўпгина шеърлари, Усмон Азимнинг Маяковскийга бағишланган шеърлари, шунингдек, Абдували Қутбиддиннинг Кафкага аталган “Франс Кафка. Қалъа. 1917” шеърида унинг ушбу жаҳон адабиётининг бетакрор ёзувчиси билан қалбдош, фикрдош эканлигини сезиш қийин эмас. Шеърдаги куйидаги мисралар шунга ишорадек таассурот қолдиради:

*Адолат изламадик тақдиримиздан,  
Ҳақиқат қидирмадик, у ўта нисбий.  
Худосиз-у ўғри, тўғриларга  
Мубҳаммиз, тушунарсиз – оддий [8;92].*

Шоир Абдували Қутбиддин ижоди ҳақида сўз кетар экан, унинг ҳам соҳир туйғулари учун кўпинча идрокнинг тилмоч бўла олмаслиги ҳақида адабиётшуносликда қарашлар бор. Масалан, адабиётшунос олим Баҳодир Карим шоир ижоди хусусида ёзган “Абдували Қутбиддиннинг сирли шеърляти ёхуд, яхшиси, сиз бу мақолани ўқиманг” номли мақоласида ижодкор шеърлятини мантиқ тарозиси билан ўлчаб бўлмайдиган ҳиссий шеърлят эканлигини ҳақли равишда эътироф этади. Дарҳақиқат, ҳисларнинг шакл-шамойили йўқ – кўриб бўлмайдди. Уларни ҳар ким ўзича тасаввур этади – ҳартугул, тасаввурлар бир-бирига жуда ўхшаш. Шоир шеърлятининг катта қисми инсон сезимлари ва руҳий хилватлари жилваларига бағишланган. Улар бизга ўзимизга кадрдон, лекин нотаниш “мен”лигимизни англаатади. Шоирнинг “Бор” [8] тўпламидан ўрин олган “Висол”, “Ҳажр”, “Хаёл”, “Йўлида телба ғам кўрдим”, “Истардим”, “Балиқнинг тиши-ла тилимни тилдим”, “Исмсиз ҳасрат” “Қаҳқашон сайрида юлдуз-ла юрган”, “Ниначи қанотин ҳижоб қилсайди” “Ҳиссий”, “Ҳолатлар”, “Ёмғир”, “Нечун”, “Хийла”, “Дағи довонларга ханжар кўтариб”, “Ўйма онлар имконимдан ўтиб борар”, “Қайғу пичоғи”, “Ҳарна ёмғир ёғар, ювар айбимиз”, “Ичикдим, соғиндим сени, шекилли”, “Туйғу”, “Бурда, бурда-бурдалаб жонимни ўйиб

олгин” каби шеърлари фикрларимизга далил бўла олади. Уларнинг аксариятида икки дунё аро овора, гоҳ коинотда, гоҳ борликда, гоҳ қушнинг уясида, гоҳо ҳашаротнинг танасида ёхуд охиратда сарсон руҳ лирик қаҳрамондир. Уларни мутолаа этар эканмиз, ўша ғаройиб лирик қаҳрамон билан бирга “қалдирғоч лойсувоқ қилган очун”да ишқимизнинг йўлларига қарашимиз, *ниначининг қанотиға* яширинишимиз, *қилкўприкдан йўл топишга* уринишимиз, “*хатар жарларидан руқн*” излашимиз беҳад сирли, маҳзунли ва мароқли туюлади. Ўзбек адабиётида табиат мавжудотларини Абдували Қутбиддин каби кенг қамровли равишда бадий восита қилган ижодкор топилмайди. Умуман олганда, шоир шеърларини ўқиб тушунишдан кўра кўпроқ ҳис қилиш, сезиш мумкин. Бу ҳақда юқорида номи тилга олинган мақола сўнгида олим Баҳодир Карим ҳам шундай хулосага келган эди: ”Мен Абдували Қутбиддин шеърларини англамадим, сезмадим, билмадим, тушунмадим. Шунинг учун тушунтира билмадим. Шеър ҳақида кўп нарсани билмаслигимни билдим. Яхшиси, сиз оворайи сарсон бўлиб бу мақолани ўқиб ўтирманг. Яхшиси, сиз Абдували Қутбиддин шеърларининг айнан ўзини ўқинг...” [12].

Аслида, шеърият ҳақидаги манбаларда кўп айтилганидек, у воқеликни ифодаламайди, маълум сюжетга ҳар доим ҳам эга бўлавермайди. Инсон ҳаёлотини қанчалик кенгликка дахлдор бўлса, унинг ҳам чексизлиги, тизимсизлиги шу қадар бўлмоғи мумкин. Тушунтириш, тушунарли бўлиш нафақат шеъриятга, балки адабиётнинг ҳар қандай тури учун хос бўлмаган хусусият. У инсон ҳисларини жунбишга келтириши ҳамда у туйғулар одамликни эслатиши, шакллантириши, қанчалик жазавага туширса-да, аммо шайтоний бўлмаслиги керак. Абдували Қутбиддин шеъриятига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ижодкори мумтоз адабиёт чашмаларидан обдон баҳраманд бўлган, дин ва тасаввуфни чуқур ўрганган, сўфиёна шеъриятдан қаландарона шавқ туйган замонамиз вакили. Буни шоирнинг кўпгина шеърларига қўйилган сарлавҳалар ёки сарлавҳаларга келтирилган иловалардан ҳам сезиш қийин эмас. Чунончи, унинг “Қаландар”, “Шайх

Шиблий ва ит борасида”, “Баҳоуддин Нақшбандга арз”, “Армон”, “Жалолиддин Румий”, “Жаҳр”, “Мақоматдан чиқиш”, “Халлож”, “Талқин” каби шеърлари шулар жумласидан. Шунинг учун ҳам у ҳозирги замон шеъриятида етакчи бўлган жанр-шакллардан, вазндан фойдаланган ҳолда бемалол тасаввуфна қарашларини, рамз-у тимсолларни, мумтоз анъанавий ташбеҳларни, сўзларни қўллайверади. Шунингдек, шоирнинг деярли ҳар бир шеъри ноёб топилмаларга бойлиги, рамзлар, ўхшатишларда анъанавийлик ва новаторликнинг омухталанганлиги билан ўзига хосдир. Шунинг учун ҳам шоир шеърияти анъанавийлик ва новаторлик жиҳатдан таҳлил этилганда бу хусусиятларни навбати билан санаб бўлмайди.

Шоир индивидуал услуби ҳақида гап кетганда, унинг шахси, феъл-атвори, туғилган макони, оиласи ҳақида маълумотга эга бўлиш жуда катта аҳамиятга эга. Асли Қашадарёда туғилиб, вояга етган, кейинчалик пойтахтда адабий камолотга эришган шоирни яқиндан билган кишилар унинг даллиёна сажияга эга, айниқса, шеър ўқиганда сўфиёна шавққа берилганлиги тўғрисида хотираларини айтадилар. Жумладан, юқорида берилган мақолада ҳам олим Баҳодир Карим шоирнинг шахси ҳақида бир қанча маълумотлар келтириб ўтган: “Талабалик йилларимда уни минбарда кўрдим. ЎзМУда. Салкам бутун вужуди билан ўйин тушиб ўқиётган, бошини сўзлари талаффузига мос тебратаётган Абдували Қутбиддиннинг шоирона суврати шунда ҳайратим деворига муҳрланган эди” [12]. Дарҳақиқат, тасаввуфда шавққа берилиш, зикр тушиш, ҳолга эришиш каби мақоматлар борки, юқорида тасаввуфий билимлар таъсирида ёзилган шеърлардан шоирни таъсирланмаган, деб айтолмаймиз. Шоирда ўша мумтоз тасаввуфий йўналишларга қизиқиш, мойиллик, эргашиш бўлган. Бу билан биз шоир ижоди тўлалигича тасаввуфий шеърият деган фикрдан ҳам йироқмиз, албатта. Фикримиз шуки, унинг бу шеъриятдаги рамзу тимсолларни, оҳангни ихлос билан давом эттирганлиги, буюк сўфий шоирлар анъаналарини муваффақиятли давом эттирганлиги ҳақидадир. Биз шоирнинг сўфиёна деб билганимиз шеърларини таҳлил этар эканмиз, улардаги бир неча жиҳатлар

этиборимизни тортди. *Биринчидан*, у коинотни, борликни, бутун мавжудодлар, куруклигу сувликдаги хашарот, хайвонот, наботот, хатто газандаларни ўзига жуда яқин тутеди. Оллоҳнинг девона ошиғи мисол унинг тажаллисини ҳис этади. Шу ўринда Лайлига ишқи туфайли “телба” дея маломатга қолган Мажнуннинг биёбонларга кетиб табиатга яқинлашгани парранда-ю, даррандалар билан дўстлашгани ёдимизга тушади. Шеърларда табиат мавжудодларининг руҳият воситаси сифатида кўплаб келтирилиши Абдували Қутбиддин услубидаги етакчи хусусиятлардан биридир. Шоир ижоди бўйича тадқиқот олиб борган адабиётшунос олимлар Ш.Ҳасанов ҳамда Г.Эрназаровалар ҳам унинг шеърларидаги бу жиҳатга этибор қаратиб шундай фикр билдирганлар: “Шу жараёнда лирик шахснинг ўзи ҳам макон ва замон бирлигига сингиб, уйғунлашиб кетади. Шу боис у “мусичадай кукулаб ўтиш”ни орзу қилади, ўзини “Хивич қасрларда баргланган”дай тасаввур қилади. “Биқинларим оғрийдир, Бўлаётирман Ғирот”, дейди. “Лаҳзани ёпсагу қамасак буткул”, дея хаёл суради. “Сувора”, “Қайси кун”, “Қасам”, “Мовийлик қудуғида”, “Сут оққан кеча”, “Қорлар куйлаб кетди”, “Тонгдан узиб келдим” сингари биринчи тўплами “Найсон”дан ўрин олган аксарият шеърларидаёқ лирик “Мен”нинг ўзни табиатнинг бир бўлаги ҳис этиши, коинот билан бирлашиб кетиш туйғуси ёрқин намоён бўлган эди” [8;99–108.]. Масалан, унинг “Бўрттирма” шеърида шундай сатрлар бор:

*...Балиқларга рози,*

*Зулукка рози,*

*Фақат дуч келмасин калтакесакка.*

*Майлига, қайроқлар бағрида*

*Ирисин,*

*Ўтлари қурисин, қурисин.*

*Майлига беллари синса ҳам,*

*Шўр тупроқ кўмса ҳам овозин...*

*Фақат чувалчангдай ҳайрат аломати*

*Ёйлиб, қисилиб парчаланади кўкрак:*

–*Ойни ялаб қўйди,*

–*Ойни қамаб қўйди калтакесак* [8].

Мазкур шеърӣ парчада гарчи тўла идрок этилиши мушкулроқ бўлса-да, кўпчиликка маълум тушунчалар орқали мавжуд ҳолат бемалол ҳис қилинади. Чунки балиқнинг силлиқ ва шилимшиқлиги, калтакесакнинг сескантирувчи турки, чувалчангнинг чўзилувчан, тортса, узилиб кетадиган танаси, шунингдек, зулукнинг ёпишқоқ, сўрувчанлик хусусиятга эга бўлган жисми ҳақида сезгиларда кўникма аллақачондан мавжуд. Шоир ҳолатларни ифодалаш ва сезимларни ҳис эттиришда бундай усуллардан бошқа кўпгина шеърларида ҳам фойдаланади. Унинг шеърларида учровчи “Эмгим келяпти, Чаён кўкрагин” (“Эҳром”) [8;230.]. “Капалак қонини келтиринг менга” (“Ҳажр”) [8;17.] каби жумлалар ҳам буларга мисолдир. Айниқса, шоирнинг “Изоҳсиз луғат” достонида инсонда борлиқдаги мавжудотларга нисбатан тайёр сезгилари: жирканиш, сесканиш, қўрқув каби туйғуларни кўзғотувчи ташбеҳ, сифатлаш, бадий образ ва деталлардан кўплаб фойдаланилгани кўзга ташланади. *Иккинчидан*, шоир илҳомланар экан, тахайюлида бутун коинот, сайёралар, ер юзи, тирикликдаги ҳодисотлар, шунингдек, абадият ва охират тушунчалари баъзан бараварига қамраб олинади. Ташбеҳга айланган сўзлар айрим ҳолларда шунчалик бир-бирдан узоқликдаги предметларни, хаёлий ҳодисаларни билдиргани учун ўқувчини эсанкиратиб қўяди, зўриқтиради, лекин барибир ҳам қамралишнинг кенглиги, жунуний оҳанг бутун жозибаси билан ўзига тортиб туради. Масалан, шоирнинг “Ҳиссий” деб номланган шеърида *нимилиқ ёмғир, момиқ ер, юмишқ осмон, Ой ва Ернинг луқма эканлиги, юлдузнинг ойнак, сайёраларнинг лангар эканлиги, ёруғликнинг бўктириши, ойдиннинг оғритиши* каби ғаройиб ташбеҳлар келтирилади. Шеър зикрмонананд оҳангли ҳамда ундаги:

*Дўст-у ёрдан бездим,*

*Рақибдан бездим.*

ёки

*Тахтакачда кесгил,*



*Қирғичда қирғил,*

*Ғалвирда эзгила тинчисин кўнгил,*

каби лирик қаҳрамон ҳолатига очқич сифатидаги тушунилиши у қадар қийин бўлмаган сатрларнинг мавжудлиги ҳақиқатдан ҳам шеърнинг ҳиссий эканлигини кўрсатади. Умуман олганда, шоир шеърлятида сўфиёна зикр оҳангидаги ижод намуналари анчагина. Масалан, унинг “Бор” тўпламидан ўрин олган “Яшнаш”, “Шайх Шиблий ва ит борасида”, “Сен Қодирим, баҳодирим”, “Ҳофиз нидоси”, “Сиймин водий”, “Оҳанг”, “Ассалом, эй аҳли куш”, “Жаҳр” каби бир қатор шеърларини шундай асарлар сирасига киритиш мумкин. «Сен Қодирим» шеърдан:

*Аё руҳим, Аё руҳ,*

*Суфла, суфла, суф-суф.*

*Аё руҳим, аё руҳ,*

*Суфла, суфла, суф-суф.*

Ёки “Оҳанг” шеърда келтирилган каби ҳар учлик банддан кейин такрорланувчи “Аййй...”, “О-о-о-о...” каби ундовлар, сўфиёна жунунликдаги рақсни билдирувчи тақлид сўзлар буларга мисолдир. Шоирнинг бундай шеърларидаги лирик қаҳрамон ҳар қандай мураккаб вазиятларда ҳам ёри – Оллоҳга ишончини йўқотмаган, унинг кароматларидан телбаланган ошиқ. Бундай пайтларда у баъзан куйлайди, баъзан эса рақсга тушади. Дарвоқе, суфий қачон рақсга тушади? Қачонки, унга ғайбий садо, Ёридан ишорат келса. Шу ўринда Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги Шайх Абу Бакр Нишопурий (Абдуллоҳ ибн Муҳаммад. 853–935 й.) ҳақидаги ҳикоят эса тушади. Унда келтирилишича, Шайх Абу Бакр Нишопурий ниҳоятда машҳур бўлганида унга кўплаб муридлар эргашган кунларнинг бирида оний лаҳзада кибрга берилиб, атрофидаги одамларни ўзига тобе деб билади. Шунда миниб турган эшаги орқали унга рамз аён бўлади ва шайхга бу ниҳоятда ёққанидан рақсга тушиб кетади. Бунинг сабабини сўраган густоҳ шогирдига ўз шуурида пайдо бўлган бир дамлик кибрга берилиш ел мисол тарқаб кетганидан завққа берилганини айтади [11;70]. Демокчимизки,

сўфийларнинг оддий дунё кишилари учун ғайритабиий кўринган ҳолатлари кўп бўлган. Бунга “Девони Машраб”да ҳам анча мисоллар келтирилади.

Биз шоирнинг баъзи шеърлари оҳангини “тинглаган” пайтимизда худди юқоридаги каби сўфиёна ҳолларни ҳис этамиз. Масалан, шоирнинг “Жаҳр” шеъридаги шундай мисралар фикрмизнинг далилидир:

*...Вужудимда порилла, дилим билан лорсилла,  
Девонаман – девона, эй оловим ўйин туш.  
Одамликдан воз кечдим, қаҳринг учун онт ичдим,  
Гуриллайман гурр-гурр гуриллатиб ўйин туш.*

Шу тарзда шеърнинг сўнгги мисраларида лирик қаҳрамоннинг буткул сўфиёна жазавага тушгани сезилади:

*Лов-лов-лов, ўйин туш, гур-гур, гур-гур, ўйин туш,  
Устун бўлсанг куйиб кет, бутун бўлсанг битиб кет [1;174].  
Йилт-йилт, йилт-йилт ўтиб кет, бирданга ситиб кет,  
Милт-милт, милт-милт ўтиб кет, бирданига ботиб кет.*

Тасаввуфга оид манбаларда жаҳриянинг “рақс-у самога асосланган” [3;287] эканлиги айтилади. Жаҳрнинг маъноси Оллоҳга ошиқликнинг пинҳон тугилмасдан очиқ овоздаги зикр ёки рақслар билан ифодаланишидир. Шоирнинг ушбу шеъри яхлитлигича англамсиз туюлса-да, уни ўқиган ҳар қандай киши айрим очқич жумлалар орқали, масалан, “Одамликдан воз кечдим, Қаҳринг учун онт ичдим” сатри орқали Оллоҳ ошиғи-суфийнинг хокисорлиги, завқи, жазавасини бир он бўлса-да ҳис этади. Шунингдек, шоирнинг бу каби баъзи шеърларида дунё ва одамликни тушуниш ҳақидаги фалсафа “Тасаввур лаҳзалари” шеърида ҳам акс этади:

*Ўсимликлар дунёси...  
Ҳайвонот дунёси...  
Бани одам дунёси...*

*Учта дўнг...  
Уч талотум...*

*Уч латофат...*

*Уч қойим-қиймат...*

*Уч зариб мазорат...*

Кўринадикки, мазкур шеърдаги фалсафа ҳам тасаввуфий бўлиб, унинг моҳиятини яссавиёна дунёдан қўл силкиш, дарвешлик ташкил этади. Бу моҳиятнинг фақат инсониятга эмас, бутун тирикликка дахлдор этиб ифодаланиши шоирнинг ижодкорона топилмаси. Юқоридаги таҳлилларда айтганимиздек, у инсонни, лирик қаҳрамонини асосан табиатга дахлдор мавжудот сифатида тасвирлайди. Шоирнинг фалсафий ғоялар сингдирилган бошқа шеърларини ҳам сўфиёна фикрлардан айро таҳлилга тортиб бўлмайди.

Кўп йиллар сўфийлик, тасаввуф таълимоти бўйича тадқиқот олиб борган адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов тасаввуф ва адабиёт ҳақида шундай фикр билдиради: “Тасаввуфнинг ҳаётий руҳи, бебаҳо дури гавҳари, сир-асрор хазинаси ва гўзаллик шукуҳини қаердан излаш ҳақида сўралса, ҳеч иккиланмасдан, адабиёт ва санъатни тилга олиш лозим. Тасаввуф тарғибу ташвиқиға сафарбар адабиёт ҳам жуда аҳамиятли ва ибратли. Лекин тасаввуф олами ва ҳақиқатлари бадий талқин қилинган Ишқ, Рух, Кўнгил, Ирфон ва Завқ адабиёти янада гўзал, янада таъсирлидир” [5;8]. Тасаввуфнинг бадий адабиёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиб ривожланганлиги ҳақида кўплаб шу каби фикрлар билдириб келинганини кўриш мумкин. Жумладан, адабиётшунос олим Муҳаммаджон Имомназаровнинг “Минтақа адабиёти ривожига тасаввуфнинг ўрни” мақоласидаги шундай фикрлар эътиборимизни тортди: “Тасаввуф ғайб олами билан иш кўради. Ғайб олами ҳақида эса илм ва мантиқ тили билан эмас, балки фақат рамз ва ишоралар тили билан гапириш мумкин. Шу сабабли тасаввуф тилини шоирлар ва шеърят тилини суфийлар тушуниши осонроқ. Чунки уларнинг тилга ёндашувлари деярли бир хил. Уларнинг ҳар иккиси учун ҳам сўзлар оддий ҳарфлар ёки товушлар йиғиндисидан иборат эмас, балки ҳар бир сўз ўзи чексиз бир олам, маънолар, рамз ва ишоралар олами. Шу маънода ҳар бир сўз

шоир ёки суфий дилидаги рангин туйғулар туғёнини ифодаловчи рамзий бир тимсол. Шу маънода шеъриятни сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаган туйғуларни сўз билан ифодалаш санъати деб тавсифлаш мумкин” [2;38–39].

Биз Абдували Қутбиддиннинг ҳам шеъриятини бежизга тасаввуфий адабиётга дахлдор дея таҳлил этмаяпмиз. Унинг шеъриятидаги тасаввуфий рамзу тимсоллар, оҳанглар ҳақида кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Шоир шеъриятида *гул, ой, дунё, най, қош, кўз, қақнус, самандар* каби тасаввуф адабиётида рамзий маънода қўлланиб келинган сўзлар қаторида яна кўплаб сўзларнинг тасаввуфий маънода рамзу тимсол сифатида ишлатдики, буни шоирнинг новаторлигидан бири деб қайд этиш лозим.

Шоирнинг баъзи шеърларини тасаввуфий эмас, балки, умуман, мумтоз анъаналарга эргашиб ёзилган ижод намуналари ўлароқ таҳлил этилганда, унинг ижодида яна янги саҳифалар очилгандек бўлади. Шоир бундай шеърлари жанр-шакл жиҳатидан қараганда улар орасида гарчи бармоқ вазида бўлса-да, маснавий тарзида қофияланган иккилик шеърлар (“Сочингни”), мустаҳзод монанд қофияланиш ва қўшимча мисраларга эга бўлган шеърлар (“Сувора”), муножот (“Арзи падари бузруквор”) ва валий пирларига бағишлов (“Баҳоуддин Нақшбандга арз”), шунингдек, ғазал жанри қоидаларини тўла ўзида мужассамлантирган “Қора қошинг” ҳамда “Эркин аруз” туркуми кабилар учрайди.

А.Қутбиддиннинг “Фирдавсийга татаббуъ” номли уч қисмдан иборат шеъри ҳам мумтоз жанр ва шакллар анъаналарига мувофиқ яратилган. Биз шоир шеъриятини бу жиҳатдан таҳлил этар эканмиз, унинг етмишинчи йиллар шоирлари ижоди билан муштараклик ҳосил қилганлиги эътиборимизни тортди. Масалан, шоир Усмон Азимнинг “Хамса”га татаббуъ” номли шеърини эслайлик. Шоирнинг бешта шеърни ичига олиб туркум ҳосил қилган мазкур шеърида Навоийнинг дostonлари каби номланиш ҳамда улардаги энг эсда қоларли воқеаларга ишоралар орқали ижодкор кечинмалари ифодаланган эди.

Абдували Қутбиддиннинг “Фирдавсийга татаббуъ” шеърини таҳлил этар эканмиз, унинг ҳам номланиш, қисмларга бўлиниш жиҳатдан айнан “Хамса”га татаббуъ” каби композицияга эга эканлигини кузатдик. Демак, Шарқ мумтоз адабиётида асрлар оша татаббуъ, ижодий эргашиш асосида маълум асар яратиш анъанаси XX аср 70-йиллар шоирлари ижодида ҳам маълум даражада давом этиб келяпти. Улар ижодидаги татаббуъ: а) шаклан салафлари ёзган асарларига ўхшаш бўлмайди; б) ижодкор қайсидир элементлар билан асар, муаллиф номи ёки асардаги қаҳрамонларга ишоралар орқали эргашаётган асарини эслатади; в) шеърнинг татаббуъ эканлиги сарлавҳада келтирилади; г) татаббуъ муаллифига эргашаётган асари фақат туйғу ёхуд фикр берган бўлиши мумкин, ижодкор унда ўша хис ёки ғояларини ифодалайди.

Абдували Қутбиддиннинг татаббуъси юқорида айтилганидек, уч қисмдан иборат туркум шеър. Биринчи шеър “Фирдавсийга татаббуъ”, иккинчи шеър “Ўғлингни нечун ўлдирдинг?” дея номланади. Уларда “Шоҳнома”даги энг таъсирли лавҳалар Рустам ва Суҳроб достонига ишоралар бор. Шеърнинг учинчи банди эса достондаги илоншоҳ Заҳҳокка бағишланган. Шоир шеърнинг айнан ўша учинчи бандида ижодида нисбатан сезилмайдиган сиёсий-ижтимоий қарашларини баён этади. Шеърдаги илоншоҳ, Кова ва халқ тимсоллари “Шоҳнома”даги образларга ниҳоятда ўхшаш яратилган. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида илон шоҳи Заҳҳокнинг тахтда ўтириши қуйидагича тасвирланади:

*“Бошига қўюбон ферузали тож,  
Фил суяк тахт узра қидириб илож,*

*Улуғларни чорлаб ҳамма томондан  
Шоҳлигига паноҳ излаб ҳар ёндан”. [6;34]*

“Шоҳнома”даги ушбу тасвир шоир Абдували Қутбиддин ижодкор тасаввуридан ўтиб, татаббуъда шундай ифодаланади:

*Ана у.*

*Фил суякли тахтда махов юз,  
Қуртли тана, баттарин – Заҳҳок.*

*Кеккаяди:*

*Ел-у юрт обод...*

*Ҳамд айтади ялоқхўрлари,*

*Сано айтар жами каззоблар. [8;32]*

Шу тарзда элу юртнинг корига яраш ўрнига улар учун чексиз офат, ситам бўлиб яратилган юрт подшоҳининг портрети берилади. Фирдавсийдан фарқли равишда XX–XXI аср шоири Абдували Қутбиддиннинг қалами шафқатсиз, нафрати чексиз туюлади. Ҳар иккала асардаги шоҳ образлари айни характер, ташқи кўриниши билан ягона кишини, деярли бир хил воқеаларни ифодалагани билиниб турса-да, ҳозирги замон шеърятининг тасвир борасида имконияти кенгроқ туюлади. “Шоҳнома” достонида воқеалар асосан қаҳрамонлар орасидаги диалоглар орқали очилиб, ўқувчининг диққати воқеалар ривожига қаратилса, татаббуъда тасвир, сўнгра ҳаёт ва жамият ҳақида аччиқ хулосалар тарзидаги фикр берилади.

*Тасвир:*

*Ана у,*

*Захил багир, боққани-бақа.*

*Машъум қалъа эгаси-Заҳҳок.*

*Кеккаяди:*

*Элу юрт обод...*

*Элу юрт далада, тоғда, воҳада*

*Букилиб юрибди бошини эгиб.*

*Фикр:*

*Эй, эл қайдасан кўриниши бергин,*

*Кериб олмайсанми кўкрак бандини.*

*Қалтираб кун кўрсанг, бир кун оқибат, –*

*Миясиз тугасан фарзандларингни. [8;33]*

Шеърдаги шундай умумлашма хулосалар орқали шоирнинг асл ғоявий мақсади очилади. У ўзидан минг йиллар олдинги инсонларнинг зулм, истибодга нисбатан исёнини ифодалаш орқали қалбидаги мустабидликка қарши туйғуларини бермоқчи бўлган. Бундай мазмундаги шеърлар етмишинчи йиллар шеърятининг асосини ташкил этганлиги, адабиётшуносликда бу давр ҳатто жаҳид адабиётидан кейинги “миллий уйғонишнинг иккинчи тўлқини” эканлиги айтилади. Бу давр шоирларидан аксарият шеърларини шу мавзуга бағишлаган ижодкорлар сифатида Шавкат Раҳмон, Хуршид Давронларни айтишимиз мумкин. Давр вакили сифатида Абдували Қутбиддин ҳам эрк ғояларини ифода этиб қалам сурди. Одатда, ижодкорларнинг ижтимоий-сиёсий фикрларини рамзий асарлар орқали берганлигида, баъзан унинг очиқ фикр айтолмаганлиги, тузум эгаларидан чўчиганлиги туфайлидан деб кўрсатадилар.

Жаҳон адабиётида бундай асарларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” асарида сиёсий тузумдаги аҳвол рамзий образлар: лилипутлар, улкан одамлар, ақлли отлар, гуингем – махлуқлар кабилар орқали ифодаланган, тадқиқотчилар асар муаллифининг амалдаги сиёсатдан норозилигини очиқ айтолмай, шу тарзда ифодалаганлигини қайд этиб келадилар. Ўзбек адабиётида ҳам бундай асарларга мисоллар бор. Аср бошларида жаҳид адабиёти вакиллари, масалан, Қодирий, Чўлпонлар ижодида тарихга мурожаат этиш орқали сиёсий тузум, ижтимоий ҳолатдан норозиликларини ифодалаганлар. Фикримиз шуки, бизнингча, эрк ҳақида ҳатто пичирлаб айта оладиган инсон ҳам жасоратли. Адабиётда бундай қарашларни рамзий ёки тарихий тарзда берилиши очиқ ташвиқий айтилишидан таъсирчанроқ. Халқ орасида ҳам “юзга айтилганнинг захри йўқ” дейилади, тағмаъноли гапларнинг, киноянинг алами оғир келади.

Шоирнинг шеърятини мумтоз адабиётдаги анъаналарга боғлаб таҳлил этилгани сари қамрови кенгайиб бораверади. Унинг ижодида Навоий ғазалларига эргашиб ёзилган шеърлар, бандлар, мисралар ҳам баъзан кўзга ташланади. Масалан, шоирнинг “Қаҳқашон сайрида...” дея бошланувчи

шеърида бутун тандаги ҳолатга: “*беҳуш оёқ*”, “*ҳолсиз бармоқ*”, “*титраган тана*” ҳолатига гуноҳкор этиб дил тасвирланади. Бу эса айнан Навоийнинг “Жонга чун дермен: “Не эрди ўлмаким кайфияти?..” ғазалидаги лирик қаҳрамоннинг жисмидаги ҳолат – ўлимга асл гуноҳкорнинг изланиши, кетма-кет *жон, жисм, бағир, кўнғил, кўзнинг* тафтиш қилингандаги ҳолатини эслатади. Ёки шоир ижодидаги ғазал жанрининг бетакрор намунаси ҳисобланган “Қора қошинг қасдима хунхорлар чақирмишдир” мисралари билан бошланувчи шеърини ўқиганда беихтиёр Навоийнинг “Кўзинг не бало қаро бўлубтур” ғазалини эслаймиз. Аввало, матлаъларда берилган ёрнинг аъзолари қош ва кўзнинг сифати *қора сўзининг* ҳар иккала ғазалда ҳам икки маънода – гўзаллик ва бало келтирувчи маъносида келтирилиши уларнинг мазмун ва пафос жиҳатидан муштараклигини, ўхшашлигини белгилаган. Навоий:

*Кўзинг не бало қаро бўлубтур*

*Ким, жонга қаро бало бўлубтур,*

деб фиғон чекса, Абдували Қутбиддин:

*Қора қошинг қасдима хунхорлар чақирмишдир,*

*Бирлашиб зулмат била ағёрлар чақирмишдир,*

деб нола қилади.

Кўринадики, ғазаллар айнан сўзма-сўз бир-бирини такрорламаса-да, биринчи байтда қора кўзнинг жонга *қора бало* (балоларнинг энг мудҳиши) бўлгани, иккинчи байтда қора қошнинг лирик қаҳрамон қасдига *хунхорлар, ағёрлар чақиргани* (бу ҳам аслида бало) акс эттирилади. Навоий ғазалида ҳам ағёр-рақиб тушунчаси мавжуд бўлиб, у ғазалнинг тўртинчи байтида келтирилади:

*Бегона бўлубдур ошнодин.*

*Бегонага ошно бўлубтур.*

Умуман таҳлил этилганда, ҳар иккала ғазалда ҳам боғловчи жиҳатлар мавжуд: қораликнинг гўзаллик ва бало-ю, офат маъносида келтирилиши, ёрнинг вафосизлиги, ағёр (бегона, рақиб)нинг мавжудлиги; шунингдек ҳар



иккала ғазалнинг сўнгида тасаввуфий маъноларга ишора этувчи байтларнинг мавжуд эканлиги. Қуйида мазкур байтларни айнан келтириб ўтамиз.

Навоийда:

*Боқий топар улки, бўлди фоний,*

*Раҳравга бақо фано бўлубтур.*

Абдували Қутбиддинда:

*Сирим ошкор айласам, тонг яқин бу Валийни,*

*Маиъалалар кўтариб бедорлар чақирмишлар.*

Биринчи байтдаги *бақо* – *чин дунё, раҳрав-солик* каби сўзлар, иккинчи шеърдан олинган байтдаги *Валий, бедор* сўзлари тасаввуфий адабиётни эслатиб турибди. Абдували Қутбиддин ғазалида келтирилган Валий сўзи икки маънода, авлиё, суфий шахс маъносида ҳамда шоирнинг тахаллуси (Абдували–Валий) сифатида берилиб, сўз ўйини юзага келган.

Шоиримиз Абдували Қутбиддин шеърятини мумтоз анъаналар давоми ўлароқ таҳлил этар эканмиз, бизда “Аслида, 70-йиллар авлоди шоирларининг мумтоз адабиётга шахсий муносабатлари қай даражада эди?”, деган савол туғилади. Масалан, ижодида мумтоз анъаналар давоми сифатидаги талай асарлар, ғазаллар, мухаммас, татаббуъ намуналарини яратган Усмон Азим ўзининг “Сўнгсўзлар” асарида мумтоз шеърят анъаналари давомчиларини “қадимчилар” деб атаган [1]. Шунингдек, бу даврда ижод этган бошқа шоирлар шеърятини ҳам соф ҳолдаги мумтоз жанрларнинг анъанавийлиги кузатилмади. Юқорида Ш.Ҳасанов ва Г.Эрназарованинг “Абдували Қутбиддиннинг поэтикасига бир назар” мақоласида анъанавийликнинг давомчилари сифатида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Асқар Маҳкам, Сирожиддин Саййид, Азиз Саид, Фахриёр санаб ўтилган [1;99]. Эътибор берилса, номлари тилга олинган шоирларимиз ижоди ранг-баранг бўлиб, мумтоз анъаналарга эргашиш улар ижодининг бир қирраси ҳисобанади. Масалан, Эркин Воҳидов, Жамол Камол ижодида мумтоз жанр қоидаларига тўлалигича амал қилиб ёзилган шеърлар кўплаб учраса, айрим шоирлар ижодида анъанавийлик ва новаторликнинг қоришиқлигини кузатиш мумкин.

Бу жиҳатдан қаралганда Абдували Қутбиддин шеърляри ниҳоятда ўзига хос. Шоирнинг деярли барча шеърляри ўзининг поэтикаси билан мумтоз шеърлярни эслатгани ҳолда, уларда модернча услуб етакчилик қилади.

### **Фойладалган адабиётлар:**

1. Азим, Усмон. Сўнгсўзлар. – Тошкент: Илм-зиё-заковат, 2020. – 512 б.
2. Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. – Тошкент, 2010.
3. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009. – 447 б.
4. Кафка, Франц. Эврилиш. – Тошкент: O'zbekiston, 2013.
5. Rumi, Jaloliddin. Hikmatlar. – Toshkent: Yoshlar matbuoti, 2022.
6. Фирдавсий, Аулокосим. Шохнома. Сайланма. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2012.
7. Ўзбек адабий танқиди. /Каримов Н. Чўлпон ва XX аср ўзбек шеърляри. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2011. – 544 б.
8. Қутбиддин, Абдували. Бор. – Тошкент: Фафур Гулом, 2011. – 320 б.
9. Ҳасанов Ш., Эрназарова Г. Абдували Қутбиддин поэтикасига бир назар //Шарқ юлдузи, 2020. – № 4. – Б.99.
10. <https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/yanouh-frans-kafka-haqida.html>
11. n.ziyouz.com>books/alisher...Navoiy. Lisonut-tayr...pdf B.70
12. <https://uza.uz/oz/posts/abduvali-qutbiddinning-sirli-she-riyati-yoxud-yaxshisi-siz-b-20-06-2020>